

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

301 Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Геология-разведка ишларини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, фойдали қазилмалар саноат захиралари ва қазиб олинмиши кўпайтирилишини таъминлайдиган минерал-хом ашё ресурслари базасини илдам ривожлантириш каби пировард натижаларга йўналтирилган геологик қидирувларни олиб боришни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш, республиканинг реал иқтисодиёти етакчи базавий тармоқларини барқарор ривожлантириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасини қайта ташкил этиш тўғрисида 2010 йил 4 мартдаги Ф–3381-сон фармойиши билан тузилган геология-разведка ишларини ташкил қилиш тизимини ўрганиш ва самарадорлигини баҳолаш Комиссиясининг қуйидагиларни назарда тутган таклифлари маъқуллансин:

«Навоий КМК» давлат корхонаси таркибида «Қимматбаҳо металллар ва уран геологияси» Илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этган ҳолда республиканинг бутун ҳудудида қимматбаҳо металллар ва уран ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун геология-разведка ишларини олиб бориш вазифаларини ушбу корхонага топшириш;

«Олмалиқ КМК» ОАЖ таркибида «Рангли металллар геологияси» Илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиб, республиканинг бутун ҳудудида рангли металллар ва уларга қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун геология-разведка ишларини олиб бориш, шунингдек комбинат ихтиёрига берилган қимматбаҳо металллар конларини қўшимча разведка қилиш ва эксплуатация разведкасини олиб бориш вазифаларини мазкур комбинатга топшириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан гидроминерал ресурслар, қаттиқ норуда фойдали қазилмалари, қора металллар қазиб олиш учун геология-разведка ишларини олиб бориш, шунингдек ҳудудларни геологик ўрганиш, геологик тасвирга олиш ишлари, фойдали қазилма ресурсларининг истиқболли майдонларини аниқлаш бўйича комплекс тадқиқотларни ўтказиш вазифаларини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасини қайта ташкил этиш ва унинг тегишли таркибий бўлинмаларини «Навоий КМК» ДКга ҳамда «Олмалиқ КМК» ОАЖга топшириш ишларини амалга ошириш бўйича жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 4 мартдаги Ф–3381-сон фармойиши билан тузилган Комиссия зиммасига юклансин.

3. Комиссия (Р.С. Азимов) Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Навоий КМК» ДК, «Олмалиқ КМК» ОАЖ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан ҳамкорликда 2011 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизими-га кирувчи илмий-ишлаб чиқариш марказлари, геология-разведка экспедициялари ва акциядорлик жамиятларини 1-иловага* мувофиқ белгиланган тартибда қайта ташкил этилишини таъминласин.

4. «Навоий КМК» ДК ва «Олмалиқ КМК» ОАЖ:

2011 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, «Қимматбаҳо металллар ва уран геологияси» ҳамда «Рангли металллар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш, шунингдек уларни зарур моддий-техника базаси билан жиҳозлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин;

тегишли равишда қимматбаҳо, рангли металллар, уран ва уларга қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмаларга оид геология-разведка ишларининг хар йилги дастурларини ишлаб чиқсин ва белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишиб олиш учун киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан ҳамкорликда икки ой муддатда замонавий халқаро тажрибани ва илғор технологияларни ҳисобга олган ҳолда, қимматбаҳо, рангли металллар, уранга оид геология-разведка ишлари таркибини мақбуллаштириш, шунингдек топшириладиган тузилмалар ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

«Қимматбаҳо металллар ва уран геологияси» ИИМни ҳамда «Рангли металллар геологияси» ИИМни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимидан топшириладиган тегишли тузилмаларнинг штат сони чегарасидан амалга оширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва унинг бошқарув ходимлари чекланган сони 52 кишидан иборат марказий аппарати тузилмаси 2-ва 3-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг раисига белгиланган ходимлар сони доирасида қўмитанинг марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

* 1 — 3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида 4-иловага* мувофиқ таркибда фойдали қазилмалар захиралари бўйича Давлат комиссияси тузилсин, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги фойдали қазилмалар захиралари бўйича Давлат комиссияси тугатилсин.

7. Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси («Саноатконтехназорат» ДИ)ни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси («Саноатгеоконтехназорат» ДИ) этиб қайта ташкил қилинсин, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш устидан давлат назорати Бошқармаси унинг таркибига топширилсин.

«Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекциясига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

геология-разведка ишларини олиб боришда ва кончилик ишларини геологик-маркшейдерлик жиҳатидан таъминлашда қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси мутахассисларини, корхоналар ва илмий муассасаларнинг соҳа экспертларини жалб этган ҳолда, геология-разведка ишларининг ҳажми, сифати ва ҳаққонийлиги натижаларини белгиланган тартибда мустақил текширишни олиб бориш;

фойдаланишга лицензия бериладиган ер қаъри участкаларини дастлабки тарзда ўрганиб чиқиш, шунингдек кейинчалик фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг келишилган ҳажмларига ва конлардан фойдаланиш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2011 йилдан бошлаб:

тасдиқланган сметаларга мувофиқ умумий сумманинг 90 фоизи миқдорда геология-разведка ишларига бюджетдан маблағ ажратиб, ҳар йили ажратиладиган маблағнинг қолган 10 фоизини фойдали қазилмалар захираларини ва геология-разведка ишларининг амалдаги ҳажмларини ўстириш бўйича прогноз (топширик)нинг бажарилиши натижаларига қараб кейинги йилнинг 1 февралигача бўлган муддатда тўласин;

Давлат бюджетининг параметрларида «Наввий КМК» ДК ва «Олмалик КМК» ОАЖга геология-разведка ишларининг тасдиқланган дастурларига ва мазкур қарорга мувофиқ уларга топшириладиган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда бюджетдан маблағ ажратилишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда унга бўйсунувчи ташкилотлар бошқарув ходимларининг аттестациясини ташкил этсин;

уч ой муддатда 2011 — 2016 йиллардаги геология-разведка ишлари

* 4-илова берилмайди.

Дастурини тасдиқласин, унда геология-разведка экспедициялари, хизматлари ва бошқа тузилмаларнинг моддий-техника базасини янгилаш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирларни назарда тутсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Навоий КМК» ДК ва «Олмалиқ КМК» ОАЖ геология-разведка ишларини олиб бориш учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йили тасдиқлайдиган рўйхатлари бўйича олиб кириладиган ускуналар, материаллар, махсус транспорт воситалари, дастурий ҳамда техник воситалар, шунингдек уларнинг эҳтиёт қисмлари 2017 йилнинг 1 январигача божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 январдаги ПҚ–568-сон қарорининг 4-банди ҳамда унинг 2-ва 3-иловалари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 январдаги 24-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда:

икки ой муддатда очиқ савдо натижалари бўйича лицензиялар беришни ва конлардан тажриба-саноат кўламида фойдаланишнинг чекланган нормалари белгиланишини назарда тутган ҳолда, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия бериш тартиби тўғрисидаги янги низом лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 27 август,
ПҚ–1396-сон